ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-319-326

ЎЗБЕКИСТОН ФЛОРАСИДА ТАРҚАЛГАН *OXYTROPIS* DC. ТУРКУМ ТУРЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА ГЕОГРАФИК ТАХЛИЛИ

Д. Э. Турдиев
УзР ФА Ботаника институти

А. Ж. Газиев
УзР ФА Ботаника институти

Э. А. Ортиков
УзР ФА Ботаника институти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Oxytropis DC. туркум турларининг Ўзбекистон ботаник-географик районларининг алоҳида жойлари бўйича тарқалиши ўрганилди. Бундай таҳлиллар илк бор амалга оширилди.

Калит сўзлар: Тоғли ҳудуд, туркум, терилган, дала илмий сафарлари, гербарий намуналари.

ABSTRACT

This article examines the distribution of species of the genus Oxytropis DC. on individual sites of the botanical and geographical regions of Uzbekistan. This is the first time such analyzes have been carried out.

Keywords: Mountain territory, genus, field research, herbarium samples.

КИРИШ

Табиий географик тизимлар ўсимликлар оламининг биологик хилма-хиллиги билан ўзига хос хусусият касб этади. Fabaceae L. оиласига мансуб полиморфик туркум ҳисобланувчи Oxytropis DC. шу оиланинг таксономик жиҳатдан энг мураккаб гурухларидан биридир [5]. Ҳозирда ер юзи бўйича Oxytropis DC туркумига мансуб 310 та тур мавжудлиги аниқланган [5]. Ушбу туркум турлари бир-бирига ўхшаш морфологик белгиларига асосланган ҳолда 6та ост туркум, 21та секцияга ажратилган. Секциялар ичида 9 секция (Ortholoma Bge.) ва 14 секция (Xerobia Bge) лар 2тадан кичик секцияларга бўлинади. Ўзбекистон ҳудудида Oxytropis DC туркумининг 3та ост туркум,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-319-326

10та секцияга кирувчи турларини учратиш мумкин [3]. Н.Ф. Гончаров Ўзбекистон флорасида 34та тури борлигини қайт этиб ўтган [2]. Илмий изланишлар натижасида ҳозирги кунга келиб ушбу туркумга мансуб 63та тур Ўзбекистон ҳудудида учраши маълум бўлди [7].

Ўзбекистонда учровчи Oxytropis DC туркум турларини тоғли районларда: ғарбий Тянь-Шань тоғларига кирувчи Угом, Писком, Қоржонтов, Чотқол, Қурама, Помир-Олой тоғларининг бир қисми ҳисобланган Нурота, Тукистон, Зарафшон, Кўҳитанг, Боботоғ ва Ҳисор тизмаларининг маълум қисмларида учрайди [1]. Учраш баландликлари асосан тоғларнинг ўртасидан юқори қисмигача бўлган жойларига тўғри келади.

АДАБИЁТЛАР ТАХЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Бу илмий тадқиқотнинг ассосий мақсади Ўзбекистон флорасида мавжуд Oxytropis DC туркум турларини ҳудудлар бўйича тарқалиш ареаллари, баландлик зоналари, рельеф тузилиши ва иқлимий омиллардан келиб чиқиб географик томонлама тахлил қилишдан иборат.

Бизга маълумки, ўсимликларнинг ҳудудлар бўйича тарқалишига жойнинг орографик тузилиши, мутлоқ ва нисбий баландлиги, иқлим хусусиятларининг ўрни катта аҳамиятга эга. Мамлакатимиз ҳудудининг катта қисми мўтадил иқлим минтақасининг контенентал типига киради. Жанубий қисмларида эса қуруқ субтропик иқлим типи ҳукмронлик қилади. Иқлимга хос омиллар кенглик ёки узоқлик бўйича ўзгариб қолмасдан, баландликлар бўйича ҳам зоналарга бўлинади. Буни биз яйлов зонасига кўтарилган сари йиллик ҳароратлар йиғиндисининг пасайиши, ёғинларнинг ортиши, вегетация даври кеч бошланиб эрта тугаши каби факторларда кўрамиз.

Ўзбекистонда баландлик зоналари асосий тўртта: чўл, адир, тоғ ва яйлов қисмларга ажратилади [4]. Бу туркум вакиллари кўпйиллик ўсимлик ҳисобланиб экологик шароити ва рельеф тузилишига кўра тоғ ва адирларнинг ҳар-хил қисмларида тарқалган. Тарқалишини 9 та орографик жойлар гурухига бўлишимиз мумкин (1-диаграмма).

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-319-326

1-диаграмма. ***Oxytropis DC.*** **туркум турларининг тарқалиши**



НАТИЖАЛАР

Юқорида кўриниб турибдики Ўзбекистонда тарқалган Oxytropis DC туркум турларининг катта қисми тоғларнинг ўрта қисмидан юқори қисмигача бўлган жойларида, яъни тоғ ва яйлов минтақасида учрайди. Қолган қисми адир минтақаси: тоғ этаклари, тоғ яқинидаги адирлар, дарё ва кўлларнинг ўзанлари атрофларида учрайди.

Бугунги кунда ҳам бу туркум вакилларини янада мукаммалроқ ўрганиш мақсадида илмий изланишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2020 йил дала илмий сафарлари натижасида Ўзбекистон миллий гербарийси (ТАШ) фонди учун Oxytropis DC туркумига киривчи 14та турнинг 50 дан ортиқ гербарий намуналари йиғилди. Ушбу гербарий намуналари Ўзбекистон ҳудудининг 23та ҳар хил жойидан терилган (терилган кординаталари 1-жадвалда берилган).

Булар қуйдагилар:

1-жадвал. 2020 йилда терилган Oxytropis DC. Туркум турлари.

№	Тур номи	Терилган жой	Сана кун/ой	Кордината ва баландлиги
1	Oxytropis arassanica Gontsch	Юго-западные отрога Тянь-Шанья, Чаткальский хребет, в районе озера Арашан, мелкощебенчатые сколоны водоразделного гребня.	16.07	X. 41.229815 Y. 70.295722 h-3005

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-319-326

2	Oxytropis albovillosa B.Fedtsch.	Юго-западные отрога Тянь-Шанья, Чаткальский хребет, в районе озера Арашан, мелкощебенчатые сколоны водоразделного гребня.	17.07	X. 41.366262 Y. 70.492456 h-3408
3	Oxytropis baissunensis Vassilcz.	Сурхандарьинская область, горы Чулбайир, окр. киш. Сина.	24.05	X. 38.403860 Y. 67.648443 h-1813
4	Oxytropis capusii Franch.	Туркестанский хребет, Зааминский Национальный парк, окрестности плато Супа.	05.06	X. 39.631179 Y. 68.470936 h-2474
5	Oxytropis capusii Franch.	Туркестанский хребет, левый берег Гуралашсая, среди арчевников.	07.06	X. 39.661830 Y. 68.253193 h-2017
6	Oxytropis lehmannii Bunge	Туркестанский хребет, Зааминский Национальный парк, окрестности плато Супа.	05.06	X. 39.633023 Y. 68.463198 h-2448
7	Oxytropis leucocyanea Bunge	Юго-западные отрога Тянь-Шанья, Чаткальский хребет, в районе озера Арашан, мелкощебенчатые сколоны водоразделного гребня.	16.07	X. 41.229815 Y. 70.295722 h-3005
8	Oxytropis macrocarpa Kar. et Kir.	Туркестанский хребет, левый берег Гуралашсая, среди арчевников.	07.06	X. 39.661830 Y. 68.253193 h-2017
9	Oxytropis michelsonii B.Fedtsch.	Туркестанский хребет, ущелье Кульсай, щебнистый склон.	08.06	X. 39.600281 Y. 68.370566 h-2229
10	Oxytropis microsphaera Bunge	Туркестанский хребет. левый берег Гуралашсая. среди арчевников.	07.06	X. 39.661830 Y. 68.253193 h-2017
11	Oxytropis microsphaera Bunge.	Туркестанский хребет, верховья реки Кашка-Су.	06.06	X. 39.555673 Y. 68.453311 h-2782
12	Oxytropis microsphaera Bunge.	Кураминский хребет, Папский район, верхняя часть кишлака Чодак.	16.06	X. 41.120283 Y. 70.577528 h-2606
13	Oxytropis microsphaera Bunge.	Юго-западные отрога Тянь-Шанья, Чаткальский хребет, в районе озера Арашан, мелкощебенчатые сколоны водораздельного гребня.	17.07	X. 41.381966 Y. 70.482641 h-3107

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-319-326

14	Oxytropis savellanica Bunge ex Boiss.	Юго-западные отрога Тянь-Шанья, Чаткальский хребет, в районе озера Арашан, мелкощебенчатые сколоны водоразделного гребня.	16.07	X. 41.229815 Y. 70.295722 h-3005
15	Oxytropis trichocalycina Bunge	Нуратинский хребет, горы Кичик Фазильман, около озера Фазильман, на каменистых склонах.	06.05	X. 40.553884 Y. 66.558191 h-1513
16	Oxytropis pseudorosea Filimonova.	Нуратинский хребет, Нуратинский заповедник, урочище Хаятсай.	09.06	X. 40.516076 Y. 66.744091 h-1202
17	Oxytropis pilosissima Vved	Западный Тянь-Шань, Чаткальский хребет. Правый берег, Алатангасая.	31.05	X. 41.179709 Y. 70.077358 h-1644
18	Oxytropis pilosissima Vved	Западный Тянь-Шань, гора Болшой Чимган.	15.05	X. 41.509300 Y. 69.997856 h-1784
19	Oxytropis pilosissima Vved.	Западный Тянь-Шань. Кураминский хребет. долина р. Сарыташ.	30.05	X. 40.765630 Y. 70.046528 h-1978
20	Oxytropis pilosissima Vved.	Западный Тянь-Шань, Кураминский хребет, выше села Парда-Турсун, окрестности Курнаса.	04.06	X. 41.124554 Y. 70.951436 h-1861
21	Oxytropis rosea Bunge.	Наманганская область. Янгикурганский район. села. Нанай.	16.05	X. 41.532148 Y. 71.706691 h-1462
22	Oxytropis rosea Bunge.	Западный Тянь-Шань, Кураминский хребет, выше села Парда-Турсун, окрестности Курнаса.	04.06	X. 41.129161 Y. 70.942766 h-1904
23	Oxytropis rosea Bunge.	Наманганская область, Папский район, адыры Муринди.	15.05	X. 40.916326 Y. 70.889795 h-788


Жадвалда номлари келтирилган ҳар-бир турнинг терилган нуқтасидан GPS кординатаси олиниб, олинган кордината асосида жойнинг денгиз сатҳидан баландлиги аниқланди. Терилган турларнинг ичида O. pseudorosea Filimonova. Ўзбекистон флораси учун эндемик тур ҳисобланиб, Ўзбекистон қизил китобига (2009, категория II) киритилган. Унинг тарқалиш ареали шимолий Нурота тоғлари ҳисобланади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-319-326

МУҲОКАМА

Маълумотларга асосланган ҳолда айтиш мумкинки, 2020 йил амалга оширилган илмий сафарлар натижасида O. microsphaera Bunge. Туркистон тизмасида 2та, Қурама тизмасида 1та, Чотқол тизмасида 1та популяциясидан терилган, O. pilosissima Vved Қурама тизмасида 2та, Чотқол тизмасида 2 та, O. rosea Bunge эса Қурама тизмасининг бир-биридан маълум масофада жойлашган 3та жойидан намуналар йиғилган. O. capusii Franch. Туркистон тизмасида 2та, қолган турлар ҳар бири биттадан, қуйидагича: O. arassanica Gontsch Чотқол тизмасида 1та, O. albovillosa B.Fedtsch. Чотқол тизмасида 1та, O. baissunensis Vassilcz. Ҳисор тизмасида 1 та, O. lehmannii Bunge Туркистон тизмасида 1та, O. leucocyanea Bunge Чотқол тизмасида 1 та, O. macrocarpa Kar. et Kir. Туркистон тизмасида 1 та, O. michelsonii B.Fedtsch. Туркистон тизмасида 1та, O. savellanica Bunge ex Boiss. Чотқол тизмасида 1 та, O. trichocalycina Bunge Нурота тизмасида 1та жойидан гербарий намуналари олинган.

2020 йил Oxytropis DC. туркум турлари терилган ҳудудлар.



Юқорида номлари келтирилган 13та турнинг ботаник географик районлар бўйича тарқалиш ареалини ушбу турлар ҳақида маълумот берилган флора китобларида (Флора СССР, Флора Узбекистана, Определитель растений Средней Азии) ва айнан шу турларнинг ТАШ, MW, LE ва СамДУ фондида мавжуд гербарий ёрлиқларида келтирилган маълумотларига таянадиган бўлсак, бу турлар тоғли районларда орографик жойлар бўйича кенг ареалда тарқалган деб айта оламиз.

ХУЛОСА

2020 йилда амалга оширилган дала илмий сафарлари натижасида намуналар йиғилган ва йиғилмаган Ўзбекистон флорасида мавжуд барча

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-319-326

турларнинг учраши мумкин бўлган районлар, тоғ тизмаларининг алохида қисмлари бўйича тадқиқотлар олиб бориш, уларнинг барча популяцияларидан намуналар йиғиш ва таққослаш тахлилини ўтказиш, тарқалишининг қуйи ва юқори чегараларини аниқлаш бу турларни географик ўрганишдаги асосий ишлардан ҳисобланади.

Дала илмий сафарлари жараёнида Oxytropis DC. туркумига кирувчи яна 49та турдан гербарийлар йиғилмаган. ТАШ баъзадаги гербарий намуналарини ўрганиш натижасида қуйидаги 5та турнинг: O. crassiuscula Boriss., O. kuramensis Abduss., O. platonychia Bunge, O. terekensis B. Fedtsch., O. ugamensis Vassilcz. Ўзбекистон ҳудудидан терилган гербарий намуналари йўқлиги, 1 та турнинг яъни: O. kamelinii Vassilcz. нинг гербарий намунаси мавжуд эмаслиги аниқланди. Яна 41та турни 2020 йилгача бўлган мудатда Ўзбекистон ботаник географик районларининг турли қисмларидан терилганлигини кўришимиз мумкин. Лекин бу гербарийларнинг катта қисми 1980 йилгача бўлган вақтда терилган. Бу маълумотлар асосида туркум турларининг бугунги кундаги тарқалган локал ареалларини ва мавжуд популяцияларини аниқ айтиш мумкин эмас.

Бундан ташқари, сўнги йилларда табиатга антропоген таъсирнинг кўпайиши ва кенгайиши, шу қатори ўсимликлар қопламига этилаётган салбий таъсирларнинг оқибатини ҳисобга олиш мухимдир. Шундай экан Ўзбекистон флорасида мавжуд Oxytropis DC туркум турларини дала илмий сафарларини амалга оширган ҳолда тарқалиш ареалларини ўрганиш, ҳар бир ботаник географик районлар бўйича популяцияларини аниқлаш, уларнинг ичида эндем ва камёб турларини табиий маконда сақлаб қолишга эришиш, қолаверса замонавий методларни қўллаган ҳолда туркум турлари устида молекуляр тахлиллар олиб бориш шу туркумни янада мукаммал ўрганишдаги муҳим вазифалардан ҳисобланади.

REFERENCES

1. Введенский А.И., Определитель растений Средней Азии., том VII, 1983, с. 323-368.
2. Введенский А.И., Флора Узбекистана, том III, 1955, с. 686-715
3. Комаров В.Л., Флора СССР, том XIII, 1948.
4. Закиров Қ.З.,Флора и растительность бассейна реки зеравшан., Тошкент 1955 й.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-319-326

5. Kholinaa, Kozyrenkoa, Artyukovaa, Sandanovb and Andrianova Phylogenetic relationships of the species of Oxytropis DC. subg. Oxytropis and Phacoxytropis (Fabaceae) from Asian Russia inferred from the nucleotide sequence analysis of the intergenic spacers of the chloroplast genome //Russian Journal of Genetics. – 2016. – Т. 52. – №. 8. – С. 780-793, 895–909.
6. Материалы научно-практической конференции — Интродукция растений: достижения и перспективы, посвященной 100-летию Национального университета Узбекистана, научной и педагогической деятельности доктора биологических наук, профессора Сафарова Каримджана Сафаровича 18-19 мая 2018 года, с. 227.
7. Malyshev L. I. Phenetics of the subgenera and sections in the genus Oxytropis DC.(Fabaceae) bearing on ecology and phylogeny //Contemporary Problems of Ecology. – 2008. – Т. 1. – №. 4. – С. 440-444.
8. Welsh S. L. Oxytropis DC.—names, basionyms, types, and synonyms—Flora North America Project //The Great Basin Naturalist. – 1991. – С. 377-396.
9. https://plant.depo.msu.ru
10. https://www.binran.ru